



DIRECTIONS FOR THE ORGANIZATION OF TARGETED PREVENTIVE WORK WITH DISTURBED FAMILIES

Murodov Alisher Sharofkhonovich

Deputy Head of the Faculty of the Academy of the Ministry of Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan, Doctor of Philosophy in Law (PhD), Associate Professor

<https://doi.org/10.5281/zenodo.15309299>

ARTICLE INFO

Received: 24th April 2025

Accepted: 29th April 2025

Online: 30th April 2025

KEYWORDS

Dysfunctional family, unhealthy lifestyle, victim of crime, targeted prevention, offender, prevention of offenses.

ABSTRACT

The article contains opinions and comments on the organization of targeted preventive work with dysfunctional families and the prevention of domestic violence.

НОТИНЧ ОИЛАЛАР БИЛАН ПРОФИЛАКТИКА ИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Муродов Алишер Шарофхонович

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси факультет бошлиғи ўринбосари, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

<https://doi.org/10.5281/zenodo.15309299>

ARTICLE INFO

Received: 24th April 2025

Accepted: 29th April 2025

Online: 30th April 2025

KEYWORDS

Нотинч оила, носоғлом турмуш-тарзи, ҳуқуқбузарликдан жабрланувчи, манзилли профилактика, ҳуқуқбузар, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси.

ABSTRACT

Мақолада нотинч оилалар билан манзилли профилактика ишларини ташкил этиш ҳамда оилатурмуш доирасидаги зўравонликни олдини олишга доир фикр ва мулоҳазалар билдирилган.

Сўнги йилларда мамлакатимизда тинчлик ва осойишталикни таъминлашнинг мутлақо янги механизмларини жорий этиш, ҳуқуқбузарликни содир этишга сабаб бўлаётган ижтимоий-маиший муаммоларни ижтимоий профилактика чоралари тизими орқали ҳал этиш ҳамда аҳолида шахсий хавфсизлик ҳиссини шакллантириш борасида самарали чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.



Шу билан бирга маҳаллаларда хавфсиз муҳитни яратишнинг ташкилий-профилактик асосларини замон талабларига мослаштириш, содир этиладиган қонунбузилишларнинг асл омилларини ўз вақтида аниқлаш ва комплекс чора-тадбирлар билан манзилли бартараф этиш орқали жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш тизимининг самарадорлигини янада ошириш долзарб вазифа сифатида намоён бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги «Ўзбекистон — 2030» стратегияси тўғрисида»ги ПФ-158-сон Фармонининг устувор мақсадларига эришиш, шунингдек, масъул давлат органлари ва ташкилотларининг республика маҳаллаларида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги фаолиятини 2025 йилда сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги концепцияси билан белгиланган масъул идоралар ва муассасалар учун 2025 йилда «Ҳар бир маҳаллада ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш» устувор вазифа этиб белгиланди ва уларни ишлаш механизмлари жорий этувчи Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2025 йилда республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш тизими самарадорлигини янада ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2025 йил 3 январдаги ПҚ-1-сон қарори қабул қилинди[1].

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда профилактика инспектори ўзига бириткирилган маъмурий ҳудудда носоғлом турмуш тарзи кечираётган оилаларни ўз вақтида аниқлаб, улар билан манзилли профилактика ишларини олиб боришлари бу борадаги ҳуқуқбузарликлар профилактикасида муҳим аҳамият касб этади. Шу боисдан, профилактика инспектори ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари маъмурий ҳудудларда яшовчи оилалар ҳақида тезкор вазиятдан хабардор бўлиши, жиноятлар содир этилиши мумкин бўлган оиладаги ушбу салбий иллатни барвақт профилактика қилиши талаб этилади. Айниқса, носоғлом турмуш тарзини кечираётган оилаларни тоифаларга ажратиш ҳамда улар билан мақсадли ҳамда манзилли ишларни ташкил этиш оила-турмуш соҳасидаги ҳуқуқбузарликларни барвақт олдини олишда муҳим омил ҳисобланади[2].

Оила-турмуш доирасидаги ҳуқуқбузарликларни барвақт олдини олиш борасида оилаларни қуйидаги тоифаларга ажратиш ва улар билан манзилли профилактика ишларини олиб бориш лозим:

- 1) носоғлом турмуш тарзини кечираётган оилалар; (рўйхат-базасини юритиш)
- 2) кам таъминланган оилалар; (ҳисоботини юритиш)
- 3) ҳуқуқбузарликлардан жабрланиш эҳтимоли мавжуд шахслар яшайдиган оилалар; (виктимологик мониторинг)
- 4) спиртли ичимлик ва гиёҳвандликка ружу қўйган шахслар яшайдиган оилалар. (профилактик тарғибот олиб бориш)

Носоғлом турмуш тарзини кечираётган оилалар билан қуйидаги йўналишларда ишларни ташкил этиш мақсадга мувофиқ:



- ✔ шахс ҳуқуқлари ва эркинлигини таъминлаш, оилавий-маиший ҳаётда юзага келган низоларни муроса йўллари билан ҳал этиш ҳамда оилаларда маънавий-ахлоқий муҳитни мустаҳкамлаш чораларини кўриш;
- ✔ оилавий ажралишларнинг олдини олиш борасида ички ишлар органларининг соҳавий хизматлари, фуқаролик жамияти институтлари (“маҳалла еттилиги”) ва кенг жамоатчилик билан ўзаро ҳамкорлик қилиш;
- ✔ фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш борасида аҳоли ўртасида тарғибот-тушинтириш ишларини мунтазам олиб бориш;
- ✔ оила-турмуш муносабатлари доирасида шахсга (айниқса аёлларга) нисбатан содир этиган ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, таҳлил этиш, бартараф қилиш чораларини кўриш;
- ✔ оила турмуш соҳасида ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган, бундай ҳуқуқбузарликни содир этган шахслар билан яқка тартибда тарбиявий профилактик ишларни амалга ошириш;
- ✔ маъмурий ҳудудларда яшовчи ижтимоий жиҳатдан хавfli аҳволда бўлган оилаларни ўз вақтида аниқлаб, уларга ижтимоий, ҳуқуқий ва маънавий жиҳатдан ёрдам кўрсатиш, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил шахслар билан тарбиявий аҳамиятга эга бўлган ишларни ташкил этиш;
- ✔ ижтимоий жиҳатдан хавfli аҳволда бўлган нотинч оилаларни ўз вақтида аниқлаш, низо келиб чиқиш хавфи бўлган оилалар билан виктимологик профилактика ишларини ташкил этиш;
- ✔ маъмурий ҳудудда ғайриижтимоий хулқ-атворли, ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарликлар содир этган шахсларни аниқлаш, уларнинг ҳисобини юритиш ва уларга тарбиявий таъсир кўрсатиш[3];
- ✔ ижтимоий мавқеи, физиологик ҳолати, хулқ-атвори, ҳаёт тарзи билан боғлиқ ҳолда ҳуқуқбузарликдан жабрланувчига айланиши хавфи мавжуд бўлган шахсларни аниқлаш ва уларга нисбатан виктимологик профилактик чора-тадбирларни қўллаш;
- ✔ нотинч оилаларда яшаётган шахсларни тазйиқ ва зўравонликдан жабрланиш эҳтимолини камайтириш мақсадида нотинч оилалардаги низоли ҳолатларни бартараф этиш чораларини кўриш юзасидан “маҳалла еттилиги” билан ҳамкорлик ишларини кучайтириш.

Кам таъминган оилалар билан қуйидаги йўналишлардаги ишларни ташкил этиш мақсадга мувофиқ:

- ✔ маҳаллий ҳудуддаги оилаларни уйма-уй юриш орқали ўрганиш асосида кам таъминланган оилаларни аниқлаш ва уларни рўйхатини шакллантириш;
- ✔ оилалардаги мавжуд муаммоларни ўрганиш ва уларни аниқлашга қаратилган амалий ишларни ташкил этиш;
- ✔ кам таъминланган оилалар билан манзилли ишларни ташкил этиш мақсадида маъмурий ҳудудга бириктирилган ҳокимият идоралари билан уларга ёрдам амалий кўрсатиш чораларини кўриш;
- ✔ ҳудуддаги ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалардаги маънавий муҳитни соғломлаштириш бўйича чора-тадбирларни кўриш;



- ✔ уйма-уй юриш ва ўрганиш асосида аниқланган маълумотларни таҳлил қилиш ва умумлаштириш.
 - ✔ шахнинг оилавий шароитини, яқинлари ва атрофдагилар билан ўзаро алоқаларини ўрганиш;
 - ✔ хонадонда, оилада мавжуд муаммоларни аниқланиш ҳамда уларни иложи борида жойида ҳал қилиш чоралари излаш;
 - ✔ кам таъминланган ва ижтимоий кўмакка муҳтож бўлган оилаларга ижтимоий ва моддий жиҳатдан ёрдам кўрсатиш орқали уларнинг турмуш тарзи ва даромад манбаига эга бўлишлари учун амалий ёрдам кўрсатиш;
 - ✔ оилаларда муайян даражада етишмовчилик ёки қийинчилик мавжуд бўлса, сабр билан оилада юзага келган муаммоларни бартараф этиш чораларини кўриш;
 - ✔ оиладаги моддий етишмовчилик ва қийинчиликлар мавжуд бўлган оилалар ўрганилганида уларнинг аксарияти ишсиз, доимий даромад манбаига эга бўлмаган шахсларни аниқлаб, уларни иш билан таъминлаш чораларини кўриш;
- Ҳуқуқбузарликлардан жабрланиш эҳтимоли мавжуд шахслар яшайдиган оилаларни виқтимологик ўрганиш, улар билан қуйидаги йўналишларда ишларни ташкил этиш лозим:**
- ✔ маиший зўрликдан жабрланган шахсларнинг ҳуқуқ, эркинлик ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида ҳимоя ордери бериш тизимини самарали ташкил этиш ва унинг назоратини таъминлаш[4];
 - ✔ оила-турмуш доирасида зўравонликка дучор бўлаётган шахслар ўртасида (аноним) ижтимоий сўровлар ўтказиш ҳамда ушбу қилмишларнинг латентлигини бартараф этишга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш;
 - ✔ маиший зўрликнинг сабаб ва шароитларини ўрганиш, таҳлил қилиш ва уларни барвақт олдини олиш бўйича таъсирчан тизим яратиш;
 - ✔ маиший зўрликдан жабрланганларни реабилитация қилиш ва мослаштириш марказлари ҳамда ишонч телефонлари фаолиятини самарали ташкил этиш;
 - ✔ зўрлик ишлатишдан жабр кўрган шахсларга ўз вақтида ва манзилли ёрдам кўрсатиш ва уларни ҳимоя қилиш, ўз жонига қасд қилишга мойил хулқ-атвор пайдо бўлишига йўл қўймаслик ва унга эрта барҳам бериш мақсадида нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқаролик жамияти институтларининг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ўзаро ҳамкорлиги кучайтириш;
 - ✔ оила-турмуш доирасида жиноятлар, уларнинг салбий оқибатлари ва келиб чиқишига олиб келаётган сабаб ва шарт-шароитларни ўрганиш ҳамда оммавий ахборот воситалари орқали аҳолини мунтазам хабардор этиб бориш;
 - ✔ оиладаги долзарб ижтимоий муаммоларни аниқлаш мақсадида вақти-вақти билан жамоатчилик фикрини ўрганиш, уларнинг асосида низоли вазиятларни, оилавий-маиший зўрлик ишлатиш ва ўз жонига қасд қилишга мойил хулқ-атворни бартараф этишга доир дастурлар ва услубий тавсиялар ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш;
 - ✔ оила содир этилган жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ва уларга имкон берган шарт-шароитларни ўрганиш ва таҳлил қилиш;



- ✔ ижтимоий жиҳатдан хавfli аҳволда бўлган нотинч оилаларни ўз вақтида аниқлаш, низо келиб чиқиш хавфи бўлган оилалар билан виктимологик профилактикани ташкил этиш;
- ✔ маъмурий ҳудудда ғайриижтимоий хулқ-атворли, ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарликлар содир этган шахсларни аниқлаш, уларнинг ҳисобини юритиш ва уларга тарбиявий таъсир кўрсатиш;
- ✔ ижтимоий мавқеъи, физиологик ҳолати, хулқ-атвори, ҳаёт тарзи билан боғлиқ ҳолда ҳуқуқбузарликдан жабрланувчига айланиши хавфи мавжуд бўлган шахсларни аниқлаш ва уларга нисбатан виктимологик профилактик чора-тадбирларни қўллаш;
- ✔ ҳуқуқбузарликларни содир этилишида жабрланувчиларнинг тутган ўрнини ҳамда жабрланишнинг сабаблари ва уларга имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш ва бартараф этиш[5];
- ✔ нотинч оилаларда яшаётган шахсларнинг зўравонликлардан жабрланиш эҳтимолини камайтириш мақсадида ҳимоя ордерини бериш ва тушунтириш ишларини олиб бориш;
- ✔ оиладаги зўравонликлардан жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган шахслар тоифаларини аниқлаш, уларни муҳофаза қилиш кафолатларини кучайтириш;
- ✔ ҳуқуқбузарликлардан жабрланганларнинг индивидуал ва ижтимоий-психологик хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда профилактика тадбирларни ишлаб чиқиш.

Спиртли ичимликка ружу қўйган шахслар яшайдиган оилалар билан қуйидаги йўналишда ишларни ташкил этиш лозим:

- ✔ спиртли ичимликка ружу қўйган шахслар яшайдиган оилаларни аниқлаш ва уларнинг рўйхатларини шакллантириш;
- ✔ спиртли ичимликка ружу қўйган шахсларни мажбурий даволаш муассасаларига юбориш ишларини ташкил этиш;
- ✔ спиртли ичимликка ружу қўйган шахсларни иш билан бандлигини таъминлаш чораларини кўриш;
- ✔ жамоатчиликни спиртли ичимликка ружу қўйган шахслар яшайдиган оилалардаги муҳитни ижобий томонга ўзгартириш бўйича тарбиявий ишларга жалб этиш;
- ✔ оилавий-маиший низоларни келтириб чиқарувчи асосий омиллардан бири бу – шахснинг спиртли ичимликка ружу қўйишидир. Спиртли ичимлик истеъмол қилиш натижасида шахс ўз хатти-ҳаракатининг оқибатини англаб етмаслиги натижасида жамиятга, атрофдагиларга бефарқлик ва ҳурматсизлик билан муносабатда бўлишини инобатга олиб, ушбу иллатни келтириб чиқарувчи сабаб ва шароитларини ўрганиш;
- ✔ спиртли ичимликни оила-турмуш доирасидаги низоларни келтириб чиқарувчи энг кенг тарқалган криминоген омил эканлигини ўрганиш.

Оила-турмуш доирасидаги ҳуқуқбузарликларнинг барвақт профилактикаси бўйича қуйидаги йўналишлардаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

1) бириктирилган ҳудуддаги ҳар бир оилани айланиб чиқиш, нотинч оилаларни аниқлаш, уларни ҳисобини юритиш, оила-турмуш доирасида низолар содир этилишига йўл қўймаслик мақсадида ҳуқуқбузарликларнинг умумий, махсус, яқка тартибдаги ва



виктимологик профилактик чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш;

2) оилавий жанжаллар оқибаотида юзага келган эр-хотин, ака-ука, опа-сингил, ота-онава фарзанд, қайнона-келин, қариндош-уруғлар ўртасида содир этилган низолар туфайли бузилган муносабатларни тиклаш борасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан амалий чора-тадбирларни амалга ошириш;

3) ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган, нотинч ва кам таъминланган оилаларни аниқлаш, уларни рўйхатини шакллантириш ҳамда уларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш юзасидан ҳокимият, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, хотин-қизлар, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш қўмитаси билан ҳамкорликда чора-тадбирларни амалга ошириш;

4) оилада миллий қадрият ва урф-одатларга зид, ахлоқ-одоб доирасидаги ноҳўя ҳатти-ҳаракатларга йўл қўяётган, ғайриижтимоий ҳулқ-атворли, тарбиявий таъсир чораларига муҳтож бўлган, оилада ҳуқуқбузарлик содир этувчи шахслар аниқлаб улар билан тарбиявий профилактик ишларни кучайтириш;

5) профилактика хизматининг жамоатчилик билан ўзаро ахборот алмашув ва амалий ҳамкорлиги самарадорлигини оширишга қаратилган ишларни тўғри ва мунтазам ташкил этиш;

6) оилавий-маиший сабабларга кўра содир этилган ҳуқуқбузарликлар, шу жумладан аёллар, вояга етмаганлар ва ёшлар томонидан содир этилган ҳуқуқбузарликлар муҳокамасини ташкил этиш ва ўтказиш, мазкур ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиш сабаблари ва уларга имкон берувчи шарт-шароитларни бартараф этиш чораларини кўриш;

7) маъмурий ҳудудда содир этилган оиладаги зўравонлик билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар ва уларга имкон бераётган сабаб ва шароитларни аниқлаш, ўрганиш, таҳлил қилиш ва келгусида ушбу турдаги ҳуқуқбузарликларни бартараф этиш юзасидан таъсирчан чора-тадбирлар ишлаб чиқиш;

8) профилактика инспекторлари ўзи масъул бўлган ҳудуддаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш комиссияси, хотин-қизлар масаласи бўйича мутахассис билан ҳамкорликда махсус йўриқномаларда оила-турмуш доирасидаги ҳуқуқбузарликлар профилактикасини ташкил этишга қаратилган режаларни етказиш ва тушунтириш.

Хулоса қилиб айтганда, ички ишлар органлари тизимида амалга оширилаётган ислохотлар профилактика хизматлари олдида фуқаролик жамияти институтлари, жамоат тузилмалари ва кенг жамоатчилик билан барвақт ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш бўйича ҳамкорликнинг янги усул ва шакллари ишлаб чиқишни тақозо этмоқда.

References:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори. 2025 йилда республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш тизими самарадорлигини янада ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида. 2025 йил 3 январдаги ПҚ-1-сон.



2. Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятларни жиловлаш бўйича “фуқаробай”, “оилабай” ва “маҳаллабай” ишлаш тизимини ташкил этиш методикаси: Ўқув-методик қўлланма / М.З.Зиёдуллаев, А.С.Турсунов, А.Ш.Муродов ва бошқ. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2021. – 25 б.
3. Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси: Дарслик / Б.А.Матлюбов, А.С.Турсунов, С.Б.Хўжақулов ва бошқ. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2020. – Б. 48.
4. Муродов А.Ш. Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан жабрланишини олдини олиш масалалари: Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизимидаги долзарб муаммолар ва уларнинг ечими: Республика илмий-амалий конференция тўплами. –Т., Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш институти. –Т., –Б. 135.
5. Ўзбекистон Республикасининг “Ҳуқуқбузарликлар профилактика-си тўғрисида”ги қонунига илмий-амалий шарҳ: Қонунга илмий-амалий шарҳ / Муаллифлар жамоаси. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2018. – Б.58.